



Марказий Осиёда, Афғонистонда, Кобул билан Балх ўртасида жойлашган Бамиан шаҳри бор. Унинг яқинида бешта улкан хайкал кўтарилиб турибди. (Яқинда уларни толиблар каттик вайрон қилган.) Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, энг каттаси — баландлиги 52 метр — Биринчи Ирк — «Иккиюзлилар»ни тасвирлайди. Унинг эфир танаси мустаҳкам, синмас тошда муҳрланган. Иккинчиси — 36 метр — «Кейин тугилганлар»ни, яъни Иккинчи Иркни абадийлаштирган. Учинчи хайкал — 18 метр — Учинчи Иркни акс эттиради, яъни йиқилган ва биринчи жисмоний иркни — отаси ва онасидан тугилган инсонларни — вужудга келтирган иркни.

Эфиопияда топилган қадимий «Ханўх китоби»да айтилганидек, гигантлар — бу бир замонлар осмондан ерга тушган фаришталарнинг авлодлари бўлиб, улар кейинчалик жисмоний шаклга кирганлар. Фаришталар ҳақиқатдан ҳам жуда улкан қиёфада бўлгани ҳақида 1985 йилда етти улкан фариштани орбитада кўрган совет космонавтлари ҳам гувоҳлик беришган. Уларнинг катта канотлари ва бошлари атрофида ёруғ нурафшон ҳалолари бор эди. Бу осмоний махлукотлар «Салют-7» орбитал станциясига ҳамроҳлик қилиб, олти нафар экипаж аъзоси кузатаётган пайтда 10 дақиқа давомида кўринган, сўнг гўёки изсиз гойиб бўлган.

Бирок, қайтайлик ердаги «фаришталар хайкаллари»га. Тўртинчи хайкал — 5 метр баландликда бўлиб, Биринчи жисмоний иркни, яъни атлантлар иркини тасвирлайди. Рақам катори бизнинг Бешинчи Иркимиз — замонавий инсонлар билан яқунланади. Унинг хайкали ҳозирги инсондан озгина каттарок, холос.

Ушбу беш хайкалнинг барчаси Тўртинчи Ирк вакили бўлган Соҳиблар томонидан ясалган. Улар Атлантида гарк бўлганидан сўнг Марказий Осиё тоғ тизмаларига келиб, инсон ривожланиш тарихи тошда муҳрланиши ва Гималай тоғларининг чуқур горларида ўз

генофондини саклаш максатида бу ишлар билан шугулланганлар.

Инсоният тарихи хақида шунга ўхшаш тасаввурлар ацтекларнинг Ватикан кутубхонасида сакланаётган «Кодекс Ватиканус» асарида ҳам келтирилган. Унга кўра, Ер юзида тўрт авлод инсонлар мавжуд бўлган.

- Биринчи ирк — гигантлар ирки — очликдан қирилган.
- Иккинчи ирк — кўркинчли ёнгинда ҳалок бўлган.
- Учинчи ирк — бўронда йўқ бўлган. Бу вақтда инсонлар маймунга айланган.
- Тўртинчи ирк, яъни «Куёш-Об» даврида яшаганлар — тошкинда ҳалок бўлган.
- Ва шундан сўнггина ҳозирги турдаги ва бўйдаги инсонлар пайдо бўлган.

Амалдаги археологик ёдгорликлар ва ёзма манбаларга қараганда, баъзи гигант одамлар тирик қолганга ўхшайди. Немис олими Александр Гумбольдт доминикан рухонийси Педро де лос Риоснинг кўлёмасини ўрганиб, гигант одамлар ҳалок бўлган сув тошқини хақида яна бир далил келтиради. Фақат етти нафар гигант горларга яширинишга муваффақ бўлган. Сув қайтқач, улардан бири — Шельхуа, лакаби “Зодчий” бўлган бу шахс Чоллланга йўл олиб, ўзи ва ака-укалари паноҳ топган Тлалок тоғини ёд этиш максатида пирамидасига ўхшаш сунъий тоғ қурган.

Сув тошқинидан кейин омон қолган ва ёввойилашиб қетган гигант одамлар хақида вавилонлик тарихчи ва қохин Берос (милоддан аввалги III аср) ҳам ёзган. У шундай дейди:

«Улар инсон гўшти билан озикланар, аёлларнинг бачадонидаги болаларни овқат тайёрлаш учун чиқарар эдилар, ўз оналари, сингиллари ва хайвонлар билан жинсий алоқада бўлар, илоҳларга ҳурмат қилмас эдилар ва турли фиску-фужур ишлар содир этар эдилар».

Инқлар ривоятларида ҳам гигант одамлар ва уларнинг жиноятлари тилга олинади.

Масалан, ўн иккинчи инка Аятарко Кусо даврида океан томондан улкан қамиш салларда гигант одамлар қелиб, мамлакатга қириб қолган. Улар шундай улкан бўлишганки, ҳатто энг йирик бурунги ва замонавий инсонлардан ҳам юқори бўлиб, хмндулар уларга фақат тиззигача ета олар эдилар. Уларнинг бошлари қатта, елкасига тушиб турадиган қора сочлари бор эди, кўзлари қинигдек қатта, юзлари эса соқолсиз эди. (Бу тасвирлар Қатта Миср Сфинкси бошига жуда ўхшайди.)

Тинч океани соҳили бўйлаб ҳаракатланган гигант одамлар йўлларидаги ҳамма нарсани йўқ қилиб қетишган, чунки улар оддий инсондан 50 баробар кўпроқ еб кўяр эдилар. Улар маҳаллий аёлларни асирга олиб, эркакларни хайвон қаби ўлдиришган.

Жануби-ғарбий Африқада, Окаванго дарёси яқинидаги қадимий манзиллар қазилмаси вақтида қоя қатта болтлар ва тирнағичлар топилган. Худди шундай бир бронза болта АКШнинг Тарихий Жамияти коллекциясида ҳам мавжуд. Уни узунлиги 1 метрдан ортиқ, эни 0,5 метр, оғирлиги эса 150 килограмм. Ушбу болтанинг ёши эса... 48 миллион йил деб баҳоланган.

Африка таджикотчиси Б. Дэвидсон у ерда яшаган гигант одамлар ҳаётини жуда таъсирли ифодада тасвирлайди:

«Бу гигантлар қоя даражада қучли эдилар. Улар бир қўллари билан дарёларнинг оқимини тўсиб қўя олар эдилар. Овозлари шунчалик қаланд эдики, бир қишлоқдан бошқасигача эшитилар эди. Агар гигант одамлардан бири йўталса, қушлар гўё шамолда ўқиб қетгандек бўларди. Ов пайтида улар бир қунда юзлаб километр йўл босар, ўлдирилган фил ва бегемотларни елкаларига осонгина қўтариб, ўйларига олиб қетар эдилар».

Фил ва бегемотни елкада кўтарадиган инсон кай даражада улкан бўлиши керак? Бундай улкан жонзотлар бор бўлганини улар колдирган оёк изларидан билиш мумкин.

1912 йилда Жанубий Африка, Трансвааль провинциясидаги Вельд баландликларида фермер Сторфел Коетсе тошда улкан чап оёк изини топган. Бу изнинг узунлиги 1,3 метр, эни 76 см бўлиб, гранит тошга 15 см чуқур ботган. Из жуда аник бўлиб, гўёки тош эриб, у ерга одам оёғи ботган каби кўринган.

Шундай излардан бири, лекин бу ўнг оёк изи, Цейлон оролида (хозирги Шри-Ланка) жойлашган. Ушбу из пойтахт Коломбодан 44 мил шарқда топилган. XIV асрда ушбу оролга саёхат килган машхур араб сайёҳи Ибн Баттута уни тавсифлаб ёзган. Из каттик шамол ва ёмгир таъсирида ювилиб кетган бўлса-да, Ибн Баттута унинг узунлиги 1,5 метр, эни тахминан 80 см эканини аниклаган. Ушбу из эгасининг бўйи 10 метрдан зиёд бўлган, деб хисоблайди.

Пасха ороли аҳолисининг ривоятларига кўра, гигантлар Ер юзида 18 миллион йил олдин мавжуд бўлган. Эволюция жараёнида уларнинг бўйи камайиб борган ва бир неча миллион йил ўтгач, 6 метрдан ошмай колган. Ушбу гигант одамлар Пасха оролидаги улкан хайкалларда тасвирланган.

Кадимги солномаларга ишонилса, гигантлар бизнинг юрт худудларида ҳам яшаган, бу ҳам энг кадимги эмас, балки анча кейинги даврларда содир бўлган.

XII асрда араб дипломати Ахмад ибн Фадлан, Багдод халифаси элчиси сифатида Волга булгарлари подшоҳини зиёрат килганда, унга ўлдирилган гигант-каннибални кўрсатишган. У ўз кундалигида шундай ёзади:

«Унга карадим — боши катта бочкага ўхшарди, ковургалари эса хурмо дарахтининг энг йирик шохларига ўхшар эди. Бу гигантни Вису деб аталувчи шимолий мамлакатда (хозирги Печора атрофи) тутиб, булгарлар худудига олиб келишган. Уни шаҳар ташкарисида улкан дарахтга занжирлаб қўйишган, чунки у газабнок ва каттик бузук табиатли эди».

1520 йилда гигант одамлар билан Фернан Магеллан ҳам учрашган. Унинг кемаси Патагония соҳилидаги Сан-Хуан бухтасига якор ташлаганида, экспедиция кундалигида қуйидагича ёзилган:

«Кутилмаганда биз соҳилда деярли ялангоч холда турган бир гигант одамни кўрдик: хатто орамиздаги энг йирик одам ҳам унга факат белигача етарди. Унинг гавдаси жуда мукамал тузилган эди, юзи эса жуда катта бўлиб, кизил бўёк билан бўялган эди.»

Кизил юз — Катта Миср Сфинкси ва уни яратган атлантлар тасвирида ҳам учрайди, буни Катта Плиний ҳам зикр килган. Шу сабабли, экспедиция кундалигидан шундай хулоса чиқариш мумкин: Магеллан жамоаси 3,5 метр бўйли кадимги атлантларнинг авлодларидан бири билан учрашган.

Инклар ҳам ўз мамлакатларини гигантлар босиб олгани хақидаги ривоятларни саклаб қолишган. Эквадордаги Манту шахри яқинидаги горларда уларнинг колдиклари топилган. Скелетлар 3,5 метр бўйда бўлган.

Агар гигантлар 5 метр бўй ва замонавий инсондан юз баробар кучли бўлган, деган фикрни асос қилиб олсак, унда нега Ер юзида улкан иншоотлар қурилганини тушуниш осон бўлади. Масалан:

- Мисрдаги Катта Сфинкс — охирги атлантларнинг киёфасини акс эттиради,
- Лемурияликлар томонидан яратилган катта тош хайкаллар,
- ва бошқа циклопларча қурилган бино-иншоотлар.

XIX асрда америкалик Е.П. Уэст, касби бўйича судья, лекин илмга кизикувчи тадқиқотчи,

Гарбий Миссури ўрмонларида бир нечта галати тогсимон курилмаларни аниклади. Улар конус шаклидаги баландликлар бўлиб, Миссури дарёсининг устидан чикиб турган кияликларда жойлашган эди.

Учинчи энг катта “конус” Теннесси, Миссисипи ва Луизиана штатларида топилган. Шу вақтда бошка таджикотчилар ҳам Огайо ва Кентукки штатларида шундай хилма-хил тогсимон тепаликлардан топган.

Олимлар хулоса қилишича, бу конуссимон тепаликлар ўта қадимги даврда барпо этилган бўлиб, оддий тепалик эмас, балки могила — қабрлар экан.

Қачонки шулардан бирини очишганда, ичида иккита скелет қолдиғи топилган. Уларнинг суствлари гайриоддий даражада катта бўлган. Череплар гўёки афсонавий махлуқларникига ўхшарди. Бир скелетнинг яққол сакланиб қолган пастки жағ суяғи, ҳозирги инсонникидан икки барабар катта эди. Катта тишлар эса деярли тағиғача ёвончиб кетган — улар нима ёб яшаган, факат тахмин қилиш мумкин.

Сон суяғи эса одамникидан кўра от суяғига ўхшаб кетарди. Пешона суяғи эса пастда жойлашган бўлиб, у текис пешона ҳосил қилган — бу суяк тўғридан юқориға эмас, енгидан пастға қараб ўсган бўлиб, бош тузилишини пахтақ қилиб кўрсатарди.

Бу инсонларнинг (ва бу, шубҳасиз, инсонлар бўлган) қолдиқлари Америка қитъасининг маҳаллий аҳолисини ташқил қилувчи ҳеч бир ҳиндув қавмиға теғишли бўлиши мумкин эмас эди.

Шу қабл скелетлар бошка кўргонларда ҳам топилган. Барча жасадлар ўтирган ҳолда дафн қилинган бўлиб, улар ёнида ибтидоий жамиятға ҳос бўлган тошдан ясалган қуроллар: қакмоқтош пичоқлар ва тирнағиқлар топилган. Уларнинг шакли Америка қашф этилган даврдағи маҳаллий халқлар ишлатган асбоб-ускуналардан анча фарқ қиларди. АКШнинг Огайо штати ҳудудида жойлашган қадимги қабристонда тахминан 30 кг оғирликдағи улқан мис болта топилган. Яна бир шунға ўхшаш болта Висконсин штатининг тупроғиға қадалган ҳолда топилган. Унинг оғирлиғи ва ҳажми шубҳаға ўрин қолдирмайди: бундай қуролдан факат жуда йирик ва бақувват инсонғина фойдалана олган. Ҳозирда бу болта Миссури тарих жамияти қоллекциясида сакланмоқда.

1960-йилларда, совет археолоғлари Сибир ҳудудида олиб қорилган қазишмаларда яна бир ноёб топилмани қўлға қиритишган: динозавр суяғи, унутманг, у суяқдан улқан окқора оқ жойлашган ўқ учи қўзилиб чиқиб турган эди.

АКШнинг Невада штатидағи Қарсон-Сити шаҳри яқинидағи қумтош қатламларида ялғиз оёқ изларидан иборат бутун бир занжир излар аниқланган. Излар шунчалиқ аниқки, ҳатто мутахассис бўлмаган одам ҳам — бу инсон излари эканини дарҳол англайди. Яғона ҳайратланарли жиҳати шундаки — оёқ изи 60 см га яқин! Топилманинг ёши тахминан 248 миллион йил деб баҳоланмоқда!

Туркменистонда топилган инсон оёғи изи эса 150 миллион йиллик деб баҳоланган.

Олимлар таъқидлашича, бу из — бизнинг энг қадимги аждодимизники, ва у қавонавий инсон оёғидан факат ўлчамл билан фарқ қилади. Ушбу из ёнида уч бармоқли динозавр панжаси изи ҳам сакланиб қолган.

Гигант одамлар тасвирини деярли ҳар бир мамлакатда учратиш мумкин. Улар орасида энг машҳури Британиядағи гигант одамлардир. Масалан:

- Уилмингтондағи одам — 70 метр узунликда (Суссекс графлиғи)
- Церндағи гигант одам — 50 метр (Дорсет графлиғи)

Бу гигант одам тасвирлари мел тошлардан иборат тепаликлар устида жойлашган.

Қадимги одамлар бу тепаликлар устидағи ўт-ўланни олиб ташлаб, тепаликлар оқ асосини

очик холда колдиришган. Ок контурдаги инсон шакли, бугунги кунда ҳам яшил замин устида, хусусан хаводан караганда аник кўринади — айникса самолётдан каралса. Сўнгги йигирма йил ичида матбуотда гигант одамлар хакида кўплаб янги хабарлар пайдо бўлди, аммо уларнинг аксариятини тасдиклаш ёки инкор этиш жуда кийин. Улар орасида энг ишончлиларидан бири сифатида инглиз тадқиқотчиси ва саёхатчи Жеральд Олстоннинг хикояси алоҳида ажралиб туради.

1991 йилда у Венесуэланинг жануби-шаркидаги тоғли ҳудудларда (Гвиана баландликлари) яшовчи гигант одамлар томонидан асирга олинган. Бу гигант одамлар тери рангида тўқ, аммо кўпроқ ок ирқка ўхшар, монголоид эмас эдилар. Улар ўртача 3 метр бўйли, ва бошқа инсоннинг бошини бир муштда лойга айлантиришга кодир эдилар. Олстон бунинг гувоҳи бўлган: гигант одамлардан бири газабланиб, бир индейни мушт билан урганда, унинг боши мия ва суяк бўлакларига айланиб кетган. (Жеральд билан бирга бир нечта оддий индейлар ҳам асир бўлган, гигант одамлар уларни болалари учун ўйинчоқ ва хизматкор сифатида фойдаланишган.)

Хатто бир куни гигант одам боласи, ҳазил тарикасида, Олстоннинг кўлини синдириб кўйган ва у бир ой азобда юрган. Ярим йилдан сўнг, Жеральд ва бир индейга кочишга муваффақ бўлган ва у энг якин аҳоли пунктига етиб бориб, ўз юртига қайтишга эришган. Шундай қилиб, гигант одамлар илгари мавжуд бўлган ва эҳтимол ҳали-ҳамон жуда кам сонда ҳаёт кечирмокда. Айрим антрополог олимларнинг фикрича, гигант одамлар алоҳида ирқга мансуб бўлиб, улар гигантопитеклар ва мегантроплар каби кирилиб кетган кадимги аждодларидан тараккий этган. Уларнинг ҳажми энг катта горилладан ҳам 1,5–2 баробар катта бўлган.

Олимларнинг тахминий ҳисоб-китобида кўра, бугунги кунда бутун Ер юзида 100–200 та гигант одам сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Абу Муслим таржимаси